



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 апрель, № 86 (8981)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЙ КООПЕРАЦИЯ ВА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШГА ҚАРАТИЛГАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 апрель куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» бешинчи халқаро саноат кўргазмасига ташриф буюрди.



Кўргазма “Central Asian Expo Uzbekistan” мажмуасида ўтказилмоқда. Экспозициянинг умумий майдони 18 минг квадрат метрдан зиёд. Унда Россия, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан 10 мингдан ортиқ делегатлар иштирок этмоқда.

Кўргазмада машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё саноати, транспорт, қурилиш, IT ва бошқа тармоқлардаги етакчи корхоналарнинг технологик ечимлари, замонавий ускуналари ва тайёр саноат маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Павильонлар ва экспозицияларни кўздан кечириш чоғида давлатимиз раҳбари иқтисодий кооперация учун катта салоҳият ва янги бизнес гоёлар ишлаб чиқиш учун яхши имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Форум янги йирик лойиҳаларни илгари суришга суръат бағишлаши, узоқ муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Президенти Россия Ҳукумати Ра-

исининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров бошчилигидаги делегация билан учрашувлар ўтказди.

Россия делегацияси раҳбари Президентимизга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўтган йил май ойда Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръати сақланиб қолмоқда, икки мамлакат ҳудудларини фаол жалб этган ҳолда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, кооперация лойиҳалари ва дастурларини илгари суриш, шу жумладан, “Иннопром” форуми доирасида ўзаро мувофиқлашган ечимларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Татаристон Раиси Рустам Минниханов билан учрашувда етакчи корхоналарнинг саноат кооперациясини ва фаол гума-

нитар алмашинуви кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Жадал мулоқотларни давом эттириш, нефть-газ, кимё, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги саноат зоналари доирасида қўшма лойиҳаларни илгари суришга келишиб олинди.

“Росатом” давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачев билан суҳбатда тинч атом соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиётда ядро технологияларини қўллаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги “ММФИ” филиали негизида кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари давра суҳбатида иштирок этди. Унда икки мамлакат ҳудудлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режаларни тақдирот қилдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Сенат Кенгашида

ДОЛЗАРБ ҚОНУНЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида парламент юқори палатасининг олтинчи ялпи мажлисини 2025 йил 29 апрель куни қақариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, экологик барқарорликни таъминлаш, соғлиқни сақлаш, мудофаа ҳамда суд-ҳуқуқ тизими самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қонунларни муҳокама этиш назарда тутилган.

Жумладан, молия бозорини соғломлаштириш ва банклар фаолиятини барқарорлаштириш мақсадига тайёрланган “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги қонун сенаторлар муҳокамасига қўйилади.

Бундан ташқари, экологик барқарорликни таъминлаш мақсадига хизмат қилувчи “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилади. Унда “иссиқхона газлари” чиқарилишини камайтириш натижасида ҳосил бўладиган углерод бирикмалари муомаласини тартибини белгилаш ҳамда “иссиқхона газлари” чиқарилиши устидан тизимли назоратни таъминлашга эътибор қаратилган.

Шунингдек, миллий мудофаа ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган “Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида”ги қонунни ҳам муҳокама этиш назарда тутилмоқда. Мазкур ҳужжат билан давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш,

келишиш, тасдиқлаш ва бажаришга оид муносабатларни тартибга солишнинг ягона ҳуқуқий механизми яратилади.

Ялпи мажлис кун тартибидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар қарорларини самарали ижро этишга доир қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳақидаги қонунлар муҳокамаси ҳам ўрин олган.

Сенаторлар томонидан тамаки ва никотин маҳсулотлари муомаласига оид талабларни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ҳақидаги қонун ҳам кўриб чиқилади. Бу эса аҳолини зарарли одатлардан муҳофазалаш бораидаги қонунчиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш ҳам режалаштирилган.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, или-фан ютуқларини соҳага жорий этиш ва илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳам назарда тутилган.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ, ҚИЗГИН МУНОЗАРА ВА КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда куйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди. Айрим қонун лойиҳалари нормалари юзасидан кескин фикрлар, мунозарали мулоҳазалар, конструктив таклифлар илгари сурилди.

Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида фракция аъзолари

ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ҳусусий сектор учун белгиланган ижтимоий мажбуриятларни эркин-

лаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишда аризани қақариб олиш жараёнида иш берувчининг иштирокини таъминлаш орқали ходимнинг масъулиятини ошириш белгиланмоқда.



Фестиваль

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЎЛМАС ДУРДОНАЛАРИ

Жорий йилнинг 26 — 28 апрель кунлари Хива шаҳрида IV халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтди

Халқ дostonлари ва термалари миллиятимизнинг қадим тарихи, маданият ҳаёти, бетақорор урф-одат ва аънаёлари, қадриятлари, орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган бекиёс номоддий мерос сифатида юксак қадр-қимматга эга. Бу бебаҳо бойлиқни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш глобаллаш-

ган бугунги замонда миллий ўзлиқни сақлаб қолиш, жаҳонда ўз ўрни ва сўзига эга бўлишда муҳим.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги қарорига асосан ҳар икки йилда бир бор ўтказиб келинаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали ана шундай эзгу мақсадга

хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур санъат байрами халқ ижодиёти намояндalари, атоқли маданият арбоблари, бахшилар, оқинлар, жировлар, фольклоршунос ва мувоқашунос олимлар, фольклор илосмандларини бу йил кўҳна ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрида жамлади.



ЭЗГУЛИК-ЛА БОҚСИН КЎЗЛАР ДУНЁГА

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Бугун олам кўз ўнгимизда трансформация жараёнларини бошдан кечирмоқда. Уларнинг кўлами ва қамрови шу қадарки, фақат дунё тартиботи ўзгарган даврлар билан қийёслаш мумкин. Аввалги “ўйин қоидалари” ўтмишда қолмоқда. Янгилири эса эндигина шаклланипти ва

давлатларни ноаниқ шароитларда иш юритишга мажбур қилмоқда. Глобал иқтисодиёт тебраниб турибди, жаҳон сиёсий харитасида янгида янги “қайноқ нуқта”лар пайдо бўляпти. Халқаро муносабатлар эса мувозанатда бўлса-да, арзимаган нотўғри ҳаракат бутун бошли минтақалар ҳаётининг издан чиқишига олиб келади диган даражада ўта беқарор ҳолатда.

Бу ўзгаришларнинг қанчалик сезилаётганини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда бўлиб ўтган ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада кенгайтириш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган инвестиция

лоийҳаларини жадаллаштириш юзасидан видеоселектор йиғилишида айтган сўзларидан ҳам англаш мумкин. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жаҳон иқтисодиётида фаёқулдда вазият кузатилмоқда, уч-тўрт кун ичида халқаро молия бозорларида 10 триллион доллар маблаг йўқотилди. “Бу тебранишлар бизга таъсир қилмайди, деб ўйлаганлар адашади”, деди Президент. Бу сўзлар нафақат огоҳлантириш, балки сиёсий вазифа ҳамдир: Ўзбекистон дунёда юз бераётган ҳодисаларга фақат неқбинлик билан эмас, совуққон ҳўшёрлик билан ҳам назар солади.

Вазият Европада Яқин Шарққача, Жанубий Осиёдан Африкагача бўлган улкан ҳудудда давом этиб келаётган ва бирдан лов этиб ёниб кетиши мумкин бўлган зиддиятлар туфайли янада мурракбашмоқда. Янги танглик ўчоқлари, жумладан, чегараларимиздан унчалик узоқ бўлмаганлари, бизга бетарафлик ва барқарорлик абадий эмаслигини эслатиб турибди. Сарҳадларни мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш лозим.



«Дунё» АА.

Нью-Йорк

МУҲОКАМАНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ



Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Сенат қўмитасида

Унда навбатдаги ялли мажлис кун тартиби доирасида қўриладиган бир қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмок-

да. Ўз ўрнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам фаолиятларини амалга ошириш тартибини бузганлиги учун жавобгарлиги қайта қўриб чиқилди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга қўшаролик жамияти инсти-тутларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонунга эса жамоат фонди муассислигига бўлган талаблар қулайтирилишини, жамоат фондини давлат рўйхатидан ўтказиш шартлари ва тартиби аниқлаштирилишини ҳамда жамоат фонди мол-

мулкидан фойдаланишининг янада эркинлаштирилишини назарда тутувчи бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунга хайрия қутиларидан фойдаланиш тартибини белгилловчи, олинган ҳомийлик хайрияларини ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш ҳамда ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини такомиллаштирувчи меъёрлар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг мажбуриятлари, уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари тақдор қўриб чиқилди, қайта рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи миқдори, шунингдек, ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартиби аниқлаштирилмоқда.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Айни чоғда жамоат фондлари фаолиятидаги ортиқча бюрократик талабларни бартараф этиб, ҳомийлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди.

Муҳокамада қўриб чиқилган қонунлар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИДА – ПАРЛАМЕНТНИНГ ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТИ МАСАЛАСИ

Барча давлатларда ҳам парламентларнинг тутган ўрни бир-бирига яқин. Улар зиммасига фақат қонунларни қабул қилиш эмас, балки шу йўл билан давлат бошқарувида муносиб иштирок этиш, аҳоли фаровонлиги ва жамият манфаатлари йўлидаги хайрли ишларни амалга ошириш вазифалари ҳам юкланган.

Семинар

28 апрель кўни Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзул Қўзихонова ҳамда Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Қобул Турсунов “Бюджетни шакллантириш ва амалга оширишда парламентларнинг роли” мавзусида Бельгия парламентида ташкил этилган семинарда қатнашди.

Бельгия Вакиллар палатаси мезбонлик қилган ушбу семинарда Чехия депутатлар палатаси, Венгрия Миллий ассамблеяси, Италия Сенати ҳамда Литва Сейми аъзолари ҳам иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда амалга оширилётган кенг қамровли ислохотлар ҳақида маълумотлар берилди, жумладан, халқ сайлаган вакиллик органлари — парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли, ўрни ва аҳамияти ўтган қисқа фурсат ичида тубдан ўзгарганлиги, Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилгани, парламент ва жамоатчилик назорати институтининг янги шакллари амалиётга татбиқ этилганлиги таъкидланди.

ТУПРОҚШУНОС ОЛИМЛАР БИЛАН САМИЙ УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг жойларда бўлиб турили йўналишдаги муаммоларни ўрганиш ва мавжуд камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш йўлларини излаш одат тусига кирган. Шу маънода, Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси А. Тўйчиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Тупроқшунослик ва агроикмевий тадқиқотлар институтида амалга оширилаётган инновацион илмий лойиҳалар ва эришилган натижалар билан танишди.

Сенатор ва ҳаёт

Учрашув давомида инсти-тутнинг тупроқ географик ахборот тизимлари ва педометрика бўлими илмий ходимлари ерлар деградацияси жараёнларини баҳолаш ва хариталаш, тупроқлар ҳолатини таҳлил қилишнинг самарадор ва тезкор ахборот тизимларини яратиш, тадқиқ этиладиган ҳудуд тўғрисида тез ва сифатли маълумот олиш, масофадан зондлаш маълумотларига ишлов бериш орқали қўй йиллик мониторинг ишларини олиб боришга доир илмий тадқиқотларни амалга ошириш имкониятлари ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, мазкур муассасанинг Аналитик синов лабораторияси бўлими ҳам

қўздан кечирилди. Ҳозирда бундай лабораторияларда замонавий инновацион технологиялар татбиқ этилиши натижасида тезкор тупроқ таҳлили хизматлари янада кенгайгани, бу эса хизмат сифати ошишининг асосий омилли бўлаётганлиги таъкидланди.

Институтда ҳорижнинг лаборатория жиҳозларидан, жумладан, Германиядан олиб келинган “Agilent 5800 ICP-OES” спектрометри технологиясидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бундай янги замонавий ускуналардан унумли фойдаланиш агроикмевий тадқиқотлар ўтказишда юқори аниқлик ва тезликка эришиш, ҳосилдорлики ошириш, маҳсулотлар

сифатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва кўтариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларнинг ечимини топишда олимларга анча қўй келаётгани таъкидланди.

Мулоқот доирасида тупроқшунослик соҳасида қўй йиллардан буён фаолият юритиб келаётган профессор-олимлар, илмий ходимлар билан очик мулоқот ўтказилди.

Унда суғориладиган ерлар шўрланишининг олдини олиш, тупроқ гумус миқдори ва сифатини ошириш, агроикмевий картограмма, геоботаник тадқиқот натижалари асосида агротехнологиялар ишлаб чиқиш, илм ва инновацияларни кенг жорий қилишда хусусий сектор иш-тироқини кенгайтириш масалаларида камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Тупроқшунослик соҳасини янада ривожлантириш, институтнинг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда соҳага илм-фан ютуқларини жорий этишда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ, ҚИЗҒИН МУНОЗАРА ВА КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР



Шунингдек, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига қўра бекор қилишда қасаба уюшмаси қўмитаси ёки маҳаллий меҳнат органи билан келишиш жараёнларини соддалаштириш орқали хар-бардор этиш тартибига ўтказиш назарда тутилди. Ходимнинг узок муддат меҳнатга қобилиятсиз бўлиши натижасида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари такомиллаштирилиши ҳамда тадбиркорлик субъектларида ўриндошлик асосида фаолият юритаётган ходим билан меҳнат шартномаси тўхтатилганда ёзма шаклда огоҳлантириш ва компенсация тўловларини тўлашни бекор қилиш тақлиф этилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Дилмурод Артиков, Тўйчи Ёқубов, Дурбек Аҳмедов қонун лойиҳасида назарда тутилётган нормаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳужжат юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг

иқтисодийнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, қонунчиликда белгиланган ижтимоий мажбуриятларнинг аксарияти амалиётда қўлланилмаслиги ёки қўллаш жараёнидаги ортиқча бюрократик тўсиқлар натижасида хусусий секторда ҳодимларни



ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш жараёнлари расмий қайд этилмаслигига олиб келмоқда.

Фракция аъзоси Фарҳод Зайниевнинг фикрича, “Миллий тикланиш” либе-

Шу билан бирга, бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада қучайтириш, уларни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш, жиноят процессида гувоҳ сифатида жалб этишнинг аниқ механизмларини белгилаш за-

қилган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида хусусий сектор учун белгиланган ижтимоий мажбуриятларни соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Фракция аъзоларининг фикрича, ЎзЛиДеП вакиллари ўз электорати, яъни тадбиркорлар — иш берувчилар манфаатлари нуктаи назаридан ишлаб чиққан қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларида фаолият юритаётган ишчи-ҳодимларни ишдан бўшатиш жараёнларини гўёки “соддалаштириш”ни назарда тутди.

Меҳнат кодексида давлат ва хусусий секторда иш берувчилар учун бир хилдаги ижтимоий мажбуриятларнинг назарда тутилиши хусусий сектор, айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда, дейилди лойиҳани асослаш-тушунтириш хатида.

Депутатлар қонун лойиҳасининг бундай тартибда асослантирилишига қарши фикр билдирди. Жумладан, фракция аъзоси Шарофиддин Назаров хусусий секторда давлат ташкилотларида ишлайдиган ҳодимларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳар қил бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Таълим соҳасида ҳам, тиб-

«Миллий тикланиш» либералларнинг тадбиркорларни ривожлантириш йўлларида қарши эмас, лекин ҳар қандай ривожланиш қадриятларга асосланиши керак!

биётда ҳам, умуман, деярли барча соҳада хусусий сектор фаолият юритади. Уларга ижтимоий мажбуриятлар борасида имтиёзлар берилиши ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари, конституций манфаатларига зид саналади. Шундан келиб чиқиб депутат ушбу ҳужжатнинг бундай асослантирилиши мумкин эмас, деган хулоса билдирди.

Фракция аъзоси Шокиржон Аҳмедов қасаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмасдан туриб, шунчаки харбардор қилиш билан ходим ишдан бўшатиш мумкинлиги ҳақидаги меъёр фундаментал меҳнат ҳуқуқига зид келишини таъкидлади.

Қайд этилишича, тушунтириш хатида норасмий секторда бандлик билан боғлиқ муаммолар борлиги вақт сифатида кўрсатилган. Аммо ижтимоий ҳимоя масалаларини олиб ташлаш, ишдан бўшаш ҳақидаги ариза муддатини қисқартириш, ўриндошлик асосида ишланганлар учун компенсация тўловларини хусусий секторда бекор қилиш каби масалалар норасмий секторнинг янада қучайишига олиб келади. Шу билан бирга, одамларда ушбу тизимга нисбатан ишонччи қамайтиради.

ри, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институциявий ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга болаларнинг жинсий зўравонликлардан ҳимоялаш, болалар тасвирланган порнографик маҳсулотларни сақлаганлик учун жавобгарлиқни белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш муддатларини аниқ белгилловчи ўзгартириш киритиш белгиланмоқда. Фракция аъзоси Сапаргул Утемуратованинг таъкидла-ишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар ҳуқуқлари кафолатларини қучайтиришга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси юзасидан тақлиф-таъсиялар билдирлиб, лойиҳа қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

ДЎСТОНА ВА АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА МУҲИМ ДАВР

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан яқин дўст, аҳил қўшни, стратегик ҳамкор сифатида муштарак мақсадлар билан яшаб келган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг илдизи узок тарихга бориб тақалади ва ўзаро ҳурмат, ишонч асосига қурилган.

Акс садо

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича ҳам икки давлатнинг нуктаи назари ва позициялари бир-бирига мос ҳамда ўхшаш. Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси тўғрисида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Бугун яқин қўшничилик, қардошлик ва қўй асриқ дўстлик ришталар билан боғланган қўй қиррали ҳамкорлик барча соҳада муваффақиятлар ривожланмоқда. Хусусан, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро манфаатли кооперация ривожланиётгани эътиборга молик. Мамлакатларимиз ҳудудлари, ишбилармонлари ўртасида фаол мулоқотлар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Кейинги йил-

ларда товар айирбошлаш бир неча баробар қўлайиб, 1 млрд. доллардан ошгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг Самарқандга ташрифи Марказий Осиё мамакатларини раҳбарлари ҳамкорлик эканини, минтақа нафакат ўз бирлигини сақлаб қолишга, балки глобал жараёнларда фаол иштирок этишга қодир ва тайёр эканини кўрсатди.

Тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида бўлиб ўтган музокара-ларда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ҳамда стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўйиб чиқилди. Қўй қиррали ҳамкорлик барча йўналишда, жумладан, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар

соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ташриф доирасида қардош Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Икки томонлама музокара-лар якунида Гурбангули Бердимухамедовга давлатимизнинг юксак муқофоти — “Олий Даражада Дўстлик” орденини Президентимиз тантанали равишда топширган экан, Гурбангули Бердимухамедовнинг қардош халқларимиз ўртасидаги аънаваний дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашдаги улкан хизматларини алоҳида қайд этди.

Туркман халқи миллий етакчисининг шахсий саъй-ҳаракатлари тўғрисида Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари бугунги кунда юксак даражага чиққани, ҳақиқатан намунавий тус олгани ургуланди. Давлатимиз раҳбари “Шахсан сизнинг қўмагингиз билан 2017 йилда давлатларимиз стратегик шериклигини мустаҳкам асоси яратилди”, дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, икки мамлакат парламентлари, ҳукуматлари, ҳудудлари, ишбилармонлари, жамоатчилиги, зиёлилари ва ёшлари ўртасида фаол мулоқотлар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши қардош халқлар маданий-гуманитар ва иқтисодий ҳамкорлиги истиқболга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Туркманистон маданий-гуманитар ҳамкорлигининг ёрқин намунаси сифатида ўтган 2024 йили Ашқобод ва Тошкентда Махтумқули асарларининг ўзбек тилидаги тўплами таъдирот қилинган, Ашқобод халқаро кинофестивалида Ўзбек — туркман бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтганини келтириб ўтиш мумкин.

Туркманистон билан шериклики янада мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир. Мазкур ташриф, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан олиб бораётган оқилона сиёсатининг мантикий давоми бўлиб, келгусида қардош мамлакатлар маданий-гуманитар ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарди.

Гулдана АБЕЗДУРДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш мақсадида «Ҳар бир ёшга ҳуқуқий мадад» акцияси ўтказилди.

ЭЗГУЛИК-ЛА БОҚСИН КЎЗЛАР ДУНЁГА

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА



◀ Хамма эшитаётган овоз

Бугунги глобал ноаниқлик шароитида Шавкат Мирзиёев президентлигининг ilk йилларидан олиб бораётган ташки сиёсат стратегиясининг аҳамияти, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Бу ерда сўз, энг аввало, Марказий Осиёнинг минтақавий интеграциялашуви гоёси ҳақида бормоқда. Бу баланспарвоз формула эмас, балки коллектив барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиётнинг амалий воситасидир.

Минтақа давлатларининг ўзаро яқинлашуви бўйича қадамлар жуда эҳтиёткорлик билан қўйилди. Бироқ бундай вазминлик ортида узокни кўзлаб чуқур ўйланган сиёсат ётарди. Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё қарама-қаршилиқлар уммонидаги “барқарорлик оролчаси” макomini сақлаб қолмоқчи экан, у ҳеч бўлмаганда барча эшитиши керак бўлган умумий овозга эга бўлиши кераклигини яхши англаган эди.

Ва бу овоз эшитилди. Бугунги кунда биз минтақанинг янги субъект сифатида шакллангани ҳақида айта оламиз. Марказий Осиё энди аввалгидек кимнингдир таъсири остида бўлган чекка ўлка, буюк давлатлар ўртасидаги “буфер” эмас. У — мустақил, жипслашган ташки сиёсат актори. Унинг нуфузи нафақат жуғрофияси (Марказий Осиё мамлакатлари жами 4 миллион квадрат километр майдонни эгаллаб, ҳудуд жиҳатдан дунёда 7-ўринда туради) ва демографияси (аҳолиси 80 миллион киши атрофида, бу эса — дунё бўйича биринчи йиғимматалликка қиради, дегани), балки дунё давлатлари, хусусан, глобал ўйинчилар билан шакллантираётган муносабатларининг сифати билан ҳам белгиланади.

“Марказий Осиё плюс” форматидagi учрашувлар бунинг яққол исботи бўлди: кучли стратегия иродага эга бўлган, ўз манфаатлари ва уларга эришиш йўллари яхши англаган минтақалар билан тенглик асосида мулоқотлар йўлга қўйилди. Тошкент томонидан илгари сурилган ташаббусни минтақа давлатлари қўллаб-қувватлади ва бугун унинг самарасини инкор этиб бўлмайди.

“Марказий Осиё плюс” форматидagi учрашувни биринчи бўлиб Ҳиндистон 2022 йил 27 январда ўтказди. Кейин — Россия (саммит Остонада 2022 йил октябрда бўлиб ўтди) ва Хитой (Сиань шаҳрида 2023 йил 19 майда). Шундан сўнг бу жараёнга Форс кўрфазини раҳбарлари кенгаши (Жидда, 2023 йил 19 июль), АҚШ (Нью-Йорк, 2023 йил 19 сентябрь), Германия (Берлин, 2023 йил 29 сентябрь) ва Европа Иттифоқи (Самарқанд, 2025 йил 4 апрель) қўшилди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Марказий Осиё — ЕИ саммитининг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши рамзий маънога эга. Тарихий тамаддуллар чоррахаси бўлмиш Самарқанд тенг ҳуқуқли, прагматик ва натижага йўналтирилган янги турдаги дипломатия саҳнасига айланмоқда. Ўзбекистон Президенти Самарқанд саммитида айтиб ўтганидек, Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишлари чоррахасида жойлашган ушбу шонли шаҳар цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланаётир, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда. Марказий Осиёнинг очкилиги ва барча шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр экани минтақада хавфсизлик ва фаровонлиқни таъминлашининг энг муҳим шартига айланди.

Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен саммитда нутқ сўзлар экан, Самарқанднинг тарихий ролини таъкидлаб, у кўп асрлар давомида Марказий Осиёнинг уриб турган юраги, улкан савдо йўлининг маркази бўлиб келганини, бу қадимий шаҳар янги ҳамкорлик ва дўстона келишувларга ҳам гувоҳ бўлганини айтди.

— Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги биринчи саммитда иштирок этиш — бу бизнинг узок муддатли дўстлигимизда янги саҳифа очиб имкониятни пайдо, — деди у. — Янги глобал тўсиқлар лойида бўлмоқда. Аммо биз Марказий Осиёда бошқа йўл борлигини кўрсатмоқдамиз. Марказий Осиё фахрли, суверен давлатлар минтақаси бўлиб, кўҳна тарих ва катта мақсадларга эга. Минтақадаги стратегик жойлашув глобал савдо йўллари ва инвестициялар оқимини очибди. Ва бу янги инвестициялар суверенитетни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Булар сизнинг иқтисодий тингизини мустаҳкамлайди. Ва энг муҳими, улар янги дўстликка туртки бўлади, одамларни бирлаштиради. Биз европаликлар бу янги бобда сизнинг минг йиллик тарихингиздаги ҳамкорларингиз бўлиши хоҳлаймиз.

Илгари бўлиб ўтган олий даражадаги саммитларни санаганда, айрим-

Газетадаги маълумотларга кўра ҳукумат янги раҳбари Шигеру Ишиба маъмурияти бу ташаббусни ҳамда Япониянинг минтақадаги иштирокини кучайтириш имкониятини кўриб чиқмоқда.

“Марказий Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда кейинги пайтда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Япониянинг сиёсий доираларида Марказий Осиёни стратегик жиҳатдан муҳим минтақа, деб ҳисоблаш тенденцияси кузатишмоқда”, деб ёзади “Nikkei” газетаси муҳбири.

Чегаралар — тўсиқ эмас, кўприқлардир

Хўш, Марказий Осиёга ва бизнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиш асосида нима ётади? Энг аввало — минтақанинг сиёсий жиҳатдан етуқлиги, мулоқот ва ислохотлар учун очкилиги, чегара масалаларининг тартибга солингани. Бунда ҳам Ўзбекистоннинг етакчи ролини эътироф этмаслик мумкин эмас. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлатимиз ҳар бир баҳсни дипломатик йўл билан ҳал қилиш тарафдори, бунда масъулият ва оқилона ҳаракатлар намойиш этилмоқда.

31 март куни Хўжандда уюштирилган учрашув нафақат дипломатик воқеа бўлди, балки у Марказий Осиёнинг янги минтақавий архитектура-сини мустаҳкамлади. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзолангани — бу собиқ иттифоқ маконидаги энг давомий ва нозик жараён-

жиддий масалалар ташки босим орқали эмас, балки ички келишув асосида ҳал этилишини тасдиқлади.

Ушбу воқеага халқаро ҳамжамиятнинг трансформация жараёнларини диққат билан кузатиб бораётганини кўрсатди. Чегара масалалари тартибга солиниши бўйича турли давлатлар томонидан берилган ижобий баҳо минтақанинг барқарорлик маконига айланганининг эътирофидир.

— Хитой Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни ҳудудий масалалар тўлиқ ҳал этилгани ва умумий чегара тўғрисидаги шартнома имзолангани билан табриқлайди, — деб баёнот берди ХХР ташки ишлар вазирининг расмий вакили Го Цзякунь.

Туркия Ташки ишлар вазирлиги ёзма баёнот бериб, унда Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан уч давлат чегаралари кесилган жойни белгилаш ҳақидаги битим имзоланганини олқишлади.

“Биз ушбу келишув Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорликка хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз”, деб эътироф этди Туркиянинг ташки сиёсат маҳкамаси вакили.

Муҳими, барча муносабатлар ягона тезисга асосланган — ҳудудий баҳсларни мулоқот орқали ва дипломатик

150-юбилей анжуманини қабул қилди, бу эса Ўзбекистон глобал сиёсатнинг фаол қатнашчиси сифатида тан олинганлигини англатади.

Пойтахтимизга ташриф буюрган кўплаб парламент аъзолари шу тадбирнинг ўтказилишини юксак халқаро ишонч, қолаверса, Ўзбекистонда кечаётган демократик трансформация жараёнларининг эътирофи сифатида баҳолашди. Санокли йиллар ичида мамлакатимизда парламентаризмнинг мустаҳкам институционал асослари шаклланди, қонун чиқарувчи органнинг ваколатлари кенгайтирилди, парламент дипломатияси эса ташки сиёсатнинг самарали воситасига айланди.

— Биламанки, бундай йиғилишларни ташкил этиш осон эмас. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентидан бизни ўз мамлакатиде қабул қилгани учун миннатдормиз. Шу билан бирга, Сенат Раисига барча ташкилий масалаларни пухта амалга оширгани учун ҳам раҳмат айтмоқчиман, — деди Парламентлараро Иттифоқ раиси Тулия Эксон. — Яна бир бор таъкидламоқчиманки, бундай ассамблеяга мезбонлик қилиш мамлакатнинг ПИ аъаналарига содиқлиги ва фаол иштирокини англатади. Бизнинг бу ерда бўлишимиз Ўзбекистоннинг

кат янги гоёлар учун очик ва глобал муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликка тайёрлиги кўриниб турибди, — деди Чехия парламентининг Депутатлар палатаси аъзоси Виктор Войтко. — Айниқса, Ўзбекистонда ҳукм сураётган муҳитни алоҳида айтиш жоиз. Бу ерда қадриятлар улуғланади, шу билан бирга, келажакка ишонч билан қараб, одамлар ва бизнес учун янги имкониятлар тақдим қилинади. Ўзбекистон тараққиёт ва эртанги кунга бўлган ишонч муҳитида ўзининг янги ривожланиш босқичига қадам қўймоқда. Аминманки, бундай ёндашув тўфайли мамлакат янада олдинга силжишни давом эттиради ҳамда шу орқали бутун дунёнинг эътибори ва ҳурматиини ўзига жалб қилади.

Бундай кенг қўламли тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши тасодиқ эмас, балки мамлакатимизнинг халқаро ташаббуслар марказига айланиши бўйича изчил стратегиянинг мантиқий давомидир. Кейинги йилларда Тошкент ва Самарқанд тез-тез муҳим учрашувлар, музокара ва анжуманлар учун майдон вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон дунё харитасида конструктив мулоқот нуктаси сифатида мустаҳкамланмоқда. Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон шундай қилиб — тинчлик, адолат, барқарор тараққиёт ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқот қадрланадиган янгича халқаро қиёфасини шакллантириб, ўзининг таъсир доирасини кенгайтирмоқда. Расмий Тошкентнинг нуктаи назари глобал миқёсдаги бахсларда тобора фаолроқ янграяпти. Мамлакатимиз янги замон кун тартибиде нафақат иштирок этишга, балки уни шакллантиришга ҳам тайёр.

Албатта, дунёда юз бераётган ўзгаришларни қабул қилиши қийин бўлган сиёсатдон ва экспертлар доим топилади. Кимдир ўтмишда қолиб кетган “таъсир доираси”, “назорат”, “манфаатлар тўқнашуви” каби тушунчлар билан фикрлайди. Кимдир эса аввалдан ўрганиб қолгани боис Марказий Осиёни ҳамкор сифатида тан ололмайди ва уни босим ўтказиш объекти, деб ҳисоблайди. Бундай ёндашувлар вақти келиб йўқ бўлиб кетиши турган гап. Чунки замонавий Ўзбекистон ва бутун минтақамиз ўз ташки сиёсатини халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, прагматизм ва ўзига ишонч асосида, ортиқча эҳтиросларсиз ва камситишларсиз қурмоқда.

Халқаро муносабатларда ким бошқаларни ҳурмат қилишини билса ва ўзаро манфаатли мулоқот ташкил эта олса, ўша ютади. Негаки, кўполлик — бу доимо нўноқлик билан яширилган ахлоқий, иродавий ва сиёсий қузғилик белгисидир. Ўзбекистон эса янги геосиёсий шароитда барқарорлик, субъектлик ва ўзаро ҳурмат — энг муҳим қадриятлар эканини тушунган ҳолда ўз йўлидан дадил ва хотиржам бормоқда.

Айнан шунинг учун Ўзбекистоннинг сиёсий нуфузи ортиб борапти. Ўзига ўта юқори баҳо бергани учун эмас, балки ечимлар таклиф қилиш қобилияти тўфайли. Босим қилгани учун эмас, балки изчил давом эттирилаётган ишлар тўфайли. Биздан кўрқашаётгани учун эмас, балки бизни тинглашни бошлаганликлари тўфайли.

Бу эса мамлакатимиз тўғри йўналишда бораётганининг, пухта ўйланган барқарорлик стратегиясини амалга ошираётганининг яққол исботидир.

Ниятлари улуг, қадами қўлағ, Фидойи инсонни кўришсин улар. Талпинган қалбларда меҳрлар ўтлағ, Ёлма-ён, елкадош юришсин улар.

Одамлилик нуриин дилига жойлаб, Борар заковат ва юксак қалб билан. Миллат эртасини нурафшон айлаб, Борар она юрт ва азиз халқ билан.

Бахтга ёрлик этса қилмай андиша, Қўлни-қўлга берган қўчади зафар. Тинчлик соломасин бебаҳ қамаша, Асрлар ошади бу олий ҳабар.

Токи кўнгул уйи тўлсин зиёга, Токи ҳаёларда нур ёйсин чаман. Эзгулик-ла боқсин кўзлар дунёга, Уни асрагани асрасин Ватан!

Ўткир РАҲМАТ.

Юртимизда табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида замонавий «U-gas» ахборот тизими жорий этилмоқда.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЎЛМАС ДУРДОНАЛАРИ



Ушбу нуфузли тадбир-га Хоразм вилоятида катта тайёргарлик қўрилди. Худудларда турли ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш, қўламазорлаштириш ишлари бажарилди. Фестивалнинг асосий тадбирлари ўтадиган майдонлар безатилди. Замонавий мониторлар ўрнатилди. Бахшичилик санъати оид турли кўргазмалар тайёрланди. Миллий соғлар, либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари намойишга қўйилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг IV халқаро бахшичилик санъати фестивали иштирокчиларига табригини Президент Администрацияси департамент раҳбари Одил Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, халқаро нуфузи тобора ортиб бораётган мазкур анжуман бу йил кўҳна Шарқ гавҳари — бетакрор Хоразм диёрида ўтказилаётгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишламоқда. Бу ўлканинг дostonчилик мактаби гоёта қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, “Лазги” каби дунёга машҳур мумтоз куй-қўшиқлари, гўзал рақслари айнан ана шу азим дарёдан озикланиб келмоқда, десак, тўғри бўлади.

— Мазкур фестивалнинг бу йил очик осмон остидаги музей шаҳар — Хивада ўтказилгани унинг шукуҳини янада оширади, — дейди Ўзбекистон халқ бахшииси Ҳамза Холбоев. — Чунки Хоразм дostonчилик мактаби қадим аъёналар ва чуқур тарихий илдишларга эга. Ўзбекистон халқ бахшилари — Қурбонназар Абдуллаев, Рўзимбой Норматов, Абдулла Қурбонназаров, Етмишбой Абдуллаев каби ёрқин овоз ва истеъдод соҳиблари шу кўҳна заминдан етишиб чиққан.



Улар томонидан юксак пардаларда қуйланган “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Ал-помини”, “Хирмондали” дostonлари миллий маданиятимизнинг ўлмас дурдоналари сифатида маънавий-тимииз хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Фестиваль доирасида “Иккинчи Туркий дунё маданияти форуми” ҳамда “Янги Ўзбекистонда бахшичилик санъати: замонавий тадқиқотлар ва истиқболлар” мавзuida-ги халқаро илмий-амалий анжуман ҳам ўтказилди.

Унда халқаро миқёсдаги таниқли фольклоршунос олимлар соҳани янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳақида маърузалар қилишди. Бахшичилик санъатида ажодлар аънанасини давом эттириш, асрлар оша яшаб келаётган ноёб меросни авайлаб асраш ва кўпайтириш, дostonчилик мактаблари тарихи ва бахшилар ижодини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида, илмий-тадқиқот институтларида фаолият юритаётган фольклоршунос олимлар, бахшичилик ва халқ оғзаки ижоди масалаларига қизиқувчи тадқиқотчилар ҳам соҳага алоқадор илмий-назарий мақолалари билан қатнашди.

— Ҳаммамизга яхши маълум, дунёнинг кўплаб минтакаларида турли санъат ва мусиқа анжуманлари ўтказиб келинади, — дейди Ҳайдар Алиев номидаги Озарбай-

жон маданият маркази директори Акиф Маърифли. — Ўзбекистонда ўтказилган бахшичилик санъати фестивали улар орасида ўзининг алоҳида ўрни, шуҳрати ва мақоми билан ажралиб туради. Ушбу тадбир сабабли эртанга Хиванинг узоқ тарихни акс эттирадиган нақшинкор обидалари, қадим минорлари билан бирга бу муқаддас заминдан таралаётган бахшиёна тароналар ҳам дунё ахлини ўзига чорлади. Фестиваль ўнаб машҳур бахши, оқин ва жировларни, ёш истеъдодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади. Илмий конференцияда соҳа ривожига оид муҳим масалалар муҳокама қилинди. Айтиш мумкинки, ушбу анжуман турли халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди.

Илмий-амалий конференция жараёнида бахшичилик санъати истиқболи билан боғлиқ резолюция қабул қилинди.

Фестивалда 40 дан ортик мамлакатлардан келган бахшилар, оқинлар, жировлар, фольклор жамоалари ўз чиқишларини намойиш этди.

— Бахшичилик қадимдан Марказий Осиё халқларининг миллий маданиятида муҳим ўрин эгаллайди, — дейди туркманистонлик бахши Вефа Нурмухаммедов. — Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестивал бошқа халқлар маданияти билан яқиндан танишиш, улар билан фикр алмашиш имконини яратмоқда. Зеро, яхши

куй-қўшиқ сарҳад, миллат танламайди. У қайси халққа мансуб бўлишидан, қайси тилда ижро этилишидан қатъи назар, доим қалбларни энтиктиради. Ўзбек ва туркман бахшилари азалдан бир-бирларининг ижод намуналари билан танишиб, байрамларда, халқ сайилларида бир даврада қуйлаб келишган. Бу аънава бугун ҳам давом этмоқда. Хивада ўтказилган бахшичилик санъати фестивали нафақат ўзбек ва туркман, балки бошқа қардош халқлар бахшилари билан ҳам ижодий мулоқотда бўлиш имкониятини яратиб берди.

Хиванинг Ичан қалъа мажмуасидаги майдонда IV халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида дунё бахшилари беллашуви қизгин руҳда бўлиб ўтди.

Иштирокчилар томонидан қуйланган халқ дostonларидан парчалар, термалар фақат ўша халқнинг шонли ўтмишини ҳикоя қилувчи адабий ёдгорликка эмас, қомил инсон тарбиясидаги муҳим ғоялар, қарашлар манбаи, эртанги кунги маънавий-маданий тараққиётнинг пойдевори, миллат ва элатлар ўртасида дўстликни улуғловчи, инсонийликни тараннум этувчи бадий дурдоналардир.

Шу маънода айтиш мумкинки, ушбу халқаро фестиваль барча қардош халқларни ва дунё жамоатчилигини, биринчи навбатда, маънан бирлаштиради.

Фестиваль доирасида ўтказилган кўрик-танловда бахши-шоирлар, оқин ва жировлар, фольклор жамоаларининг ижрочиликлари маҳорати Озарбайжон, Кувайт, Мўғулистон, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Венгрия, Ўзбекистоннинг таниқли санъат ва маданият намояндалари, олимлар, малакали муҳассислардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати кузатди ҳамда муносиб баҳолаб берди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида ғолиблар тантанали тақдирланди. Хусусан, фестивалнинг учинчи даражали дипломи, статуэтка ва ҳар бирига 2 минг 500 АҚШ долларидан пул мукофоти Лхамрагча Икхавасурен (Мўғулистон), Аксиния Степанова (Россия) ва Зибдилло Аҳмедов (Ўзбекистон)га насиб этди.

Иккинчи ўринга — жами 7 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотига қозогистонлик Кенсулу Туркпен (3,5 минг доллар) ҳамда ўзбекистонлик Усмонхон Абдуллаев (3,5 минг доллар) сазовор бўлди.

Биринчи ўрин ва ҳар бирига 5 минг АҚШ долларидан пул мукофоти Туркманистон миллий бахшилар гуруҳи ҳамда ўзбекистонлик Муассар Жуматовга берилди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида ўтказилган кўрик-танловнинг бош соврини — Гран-прини ҳамда 7 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти-ни Озарбайжоннинг “Ошиқлар” гуруҳи кўлга киритди.

— Дунё ахли эътиборидаги шундай нуфузли танловда энг олий ўринни эгаллаганидан бахтиёрман, — дейди танлов ғолибларидан бири қозогистонлик Кенсулу Туркпен. — Фестиваль унутилмас таассуротларга бой ўтди. Айни пайтда дўст орттирдик, турли элатларнинг оғзаки ижоди ва уларни ижро этиш услуби ҳақида билимларимизни бойитдик, янги тажрибалар тўпладик. Хоразм вилоятининг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларига қилган саёҳатимиз ҳам ҳеч қачон эсимиздан чиқмайди. Халқингизнинг меҳмондўстлиги ҳайратимизни оширди. Хозирги олаовур дунёда Ўзбекистонда тинчлик-тотувликнинг барқарорлиги, ўтказилаётган бундай нуфузли тадбирлар, маданият ва санъат ривожига берилётган юксак эътибор халқингизнинг улкан бахтидир. Мана шу саодат абадий бўлсин!

Одилбек ОДАМБОВ,
Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Профессор Амир Жаъфар:

ФЕСТИВАЛЬ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРДАН КЕЛГАН САНЪАТ УСТАЛАРИНИ БИР САҲНАГА ЖАМЛАДИ

Хива шаҳрида бўлиб ўтган IV халқаро бахшичилик санъати фестивали иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъати аъзоси — Кувайт Таянч таълим коллежининг Мусиқа кафедраси мудири, профессор Амир Жаъфар мазкур анжуман ҳақидаги фикрларини билдирди:

Эътироф

— Тўртинчи мартаба ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган санъат усталарини бир саҳнага жамлади. Бу тадбирнинг айнан Хоразм заминида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Биламизки, Хоразм санъати доим дунё ахлини ҳайратга солиб келган. Шунингдек, мазкур заминнинг ўзига хос жозибаси фестивал меҳмонларининг ҳайратини янада оширмоқда.

Икки кун давомида дунёнинг турли мамлакатларидан келган санъат усталари ўз маҳоратларини намойиш қилди. Тақдорлармас чиқишлари, халқ фольклорларининг иштирокчилар томонидан юқори савияда ижро этилишини алоҳида айтиш жоиз.

Таъкидлаш керакики, Ўзбекистон миллий фольклор жамоалари ҳамда яккахон ижрочиларининг юксак маҳорати томошабин ва муҳассисларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Бахшичилик қадимдан Марказий

Осиё халқларининг миллий санъатлари билан бир қаторда, Хоразм санъати доим дунё ахлини ҳайратга солиб келган. Шунингдек, мазкур заминнинг ўзига хос жозибаси фестивал меҳмонларининг ҳайратини янада оширмоқда.

Уни аънавий тарзда ўтказиш нафақат ўзбек миллий санъатини дунёга кенг тарғиб қилиш, балки бошқа халқлар маданияти билан яқиндан танишиш, улар билан фикр алмашиш имконини яратмоқда. Зеро, яхши куй-қўшиқ сарҳад, миллат танламайди. У қайси халққа мансуб бўлишидан, қайси тилда ижро этилишидан қатъи назар, доим қалбларни энтиктиради.

«Дунё» АА.
Хива — Ал-Кувайт

Орамиздаги одамлар

БИРПАС БОТМАЙ ТУР, ҚУЁШ!

Ёши етмишдан ошган кайвони онахон Дилором ая қишининг изғирини, ёзининг жазирамасида ўзини уринтирмай, набиралар қуршовида, келинининг қўлидан чой ичиб, етти қават кўрпача устида ўтирса ҳам бўларди. Тиниб-тинчиммаган онахон бунини истамади. Пойтахтимиздаги Янги Себзор даҳасида муъжазгина кутубхона барпо этилишига елиб-югуриб ҳисса қўшди. Бугун уни ҳар кун шу кутубхонадан топасиз — ниманидир мутлоа қилаётган бўлади. Кутубхоначининг ўзи китобхон бўлганига не етсин!



Шинамгина кутубхона етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маҳалла ахлининг сеvimли масканига айланиб улғурибди. Ташқи тарафдан бироз кичик кўринса-да, ичкарига кирсангиз ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдона асарларига кўзингиз тушади. Китобларнинг кўлигидан ақлингиз шошади. Яқинда бир тадбиркор 20 донча янги китоб ҳадя қилибди-ю, ўзини таништирамай кетиб қолдибди. «Дунёда яхши одамлар кўп», дейди Дилором ая қўлини дуога очиб.

Кутубхонага қадами етган инсон борики, хушфевл ва хушҳаққ Дилором Ҳамдамованинг мароқли суҳбатидан мамнун бўлиши, шубҳасиз. Бир вақтингиз ўзида у ҳам буви, ҳам она, ҳам кутубхоначи, ҳам репетитор, қолаверса, Олмазор туманидаги “Бувижонлар мактаби” раҳбари...

42 йил телевидениеда ишлаб, қатор кўрсатувларга муаллифлик қилган, қанчадан-қанча тақдирларни экранга олиб чиққан она-

хонни излаб бориб, муштдеккина қизалоққа дарс ўтаётганининг шоҳиди бўлдик. Дилором ая машғулотини тугатгунча кутиб туришимни айтиди. Шундан кўриниб турибдики, у бирор ишни якунламасдан иккинчисини бошламайди.

Бошқа иш устида машғул бўлса-да, менинг парда ортидан ботиб бораётган қуёшга қараб қўяётганимни пайқайди, шекилли, қўлимга китоб тутқазиб, “Бирпас мутлоа қилиб, саволларингизни тайёрлаб туринг” деди. Китобдан “Румийни ўқийтган банк ходими” номли лавҳа Дилором ая ҳақида эди. Ундаги бир сатр диққатимни тортди. Онахон дарсини тугатиши биланоқ сўрадим:

— Нима сабабдан “Икки киши ўртасида жанжал чиқса, аклироғи айбдордир” деган ҳикматга амал қиласиз?

— Ёшлигимиздан ота-онамиз ақли одам бир гапдан қолиши керак, деб ўқитишган, қолавер-

са, жанжал чиқса, уни биринчи бўлиб ақли одам тўхтатиши керак. Бўлмаса, фожиага сабаб бўлиши мумкин.

Ая кутубхона қаршисидаги “Меҳр боғи”ни ўз қўллари билан барпо этган экан. Ҳовлидаги гуллар ўз чиройини кўз-кўз қилиб туради. Уларни кўрган кишининг бахридими очилади.

— Мен бу ишларни савоб учун қилияпман, — дейди онахон. — Ёшлигимда онамнинг бир қўлида бешик бўлса, бирида китоб бўлар эди. Биз фарзандларга китобхонлик онамиздан ўтган...

Суҳбатимиз якунига етиб бораркан, дераза ортида худди нурларини қизганаётгандай ботиб бораётган қуёшга қараб ичимда қанийди, яна озгина ботмай турса-ю, суҳбатимиз узилмаса, деб ўйлардим.

Рости, онахон билан танишиб, ўзим учун катта “мотивация” олдим — шундай инсон билан кўришиш бахтига мушарраф бўлганимдан хурсанд эдим... Машҳур ёзувчи Антон Чехов айтганидек, фидокор кишилар инсониятга қўшадек зарур. Улар бизга жасоратга, эътиқодга ва аниқ мақсадга эга одамлар борлигини эслатиб туради.

Ҳа, шундайлар борлиги учун ҳам ҳар кун қуёш чиқади.

Мунира РАҲИМОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Тошкентда экологик технологиялар кўргазмаси ўтказилади

Шу йилнинг 19 — 21 июнь кунлари Ўзбекистон пойтахти “Яшил” инновациялар марказига айланган кутилмоқда.



Гап шундаки, Тошкент шаҳридаги “Central Asian Expo” (CAE) кўргазмалар мажмуасида илк бор “Есо Expo Central Asia — 2025” экологик технологиялар халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.

Бу шунчаки кўргазма эмас, балки барқарор келажақ йўлида глобал экологик ҳамжамият, саноат, давлат ва хусусий тузилмаларни бирлаштирадиган ҳаракат, шунингдек, илғор экологик технологиялар, амалиёт ва ечимлар алмашиш учун минтақадаги илк ихтисослаштирилган платформадир. Бу ерда экологиядаги сунъий интеллектдан тортиб сувни тежаш ечимларига, “яшил” энергиядан экотуризмгача бўлган инновациялар намойиш этилади.

Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан уюштирилаётган ушбу тадбирда Туркия, Хитой, БАА, Япония, Корея Республикаси, Саудия Арабистони, Германия ва бошқа ўнаб давлатлардан экспонентлар иштирок этиши кутилмоқда.

Соҳибкорларга имтиёз



Узумчилик — сермахсул ва сердаромад соҳа. Шу боис юртимизда унинг саноатбop навларини кўпайтириш, қайта ишлаш, соҳага илм-фан ютуқларини кенг ҳорий этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизматида маълум қилишларича, янги боғ ва узумзорлар барпо этишларига 18 фоиз ставкада 7 йиллик кредит берилади, шундан уч йили имтиёзли давр ҳисобланади. Кредит босқичма-босқич равишда ер тайёрлаш (10 фоиз), қўчат ва экиш (40 фоиз), сугориш тизими (30 фоиз) ва парварриш (20 фоиз) учун ажратилади. Бир гектарга энг кўпи билан БҲМнинг 500 бараварича кредит берилиши кўзда тутилган.

Статистикага кўра узум майдонлари бўйича Испания, Франция, Хитой, Италия, Туркия етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олган. Ўзбекистон 181 минг гектар узум майдонлари билан 7-ўринни эгаллайди. Ҳосилдорлик бўйича эса Ўзбекистон ҳам етакчи давлатлар қаторида.

Курсантлар судда ҳакамлик қилди



Божхона институтининг профессор-ўқитувчилари ва божхона ҳуқуқи таълим йўналишида билим олаётган тингловчилар иштирокида “Назария — амалиёт — тажриба уйғунлиги” тамойили асосида амалий семинар-тренинг ўтказилди.

Божхона кўмитаси, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ҳамда Тошкент туманлардаги иқтисодий суди билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу семинар давомида институтнинг юриспруденция йўналиши бўйича 3-босқич курсантлари томонидан иқтисодий иш бўйича “имитатив суд мажлиси” ташкил этилди. Унда курсантлар ўқув жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллаш имконига эга бўлди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Ўрғосой кенгликларида аънавий «Илоқ» этнофестивали бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчиба 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиш — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6